



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR
VAZIRLIGI**
**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA
ADABIYOTI UNIVERSITETI**
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
O‘ZBEKISTON YOZUVCHILAR UYUSHMASI

**“G‘AFUR G‘ULOM IJODIY
MEROSINING O‘ZBEK VA JAHON
ADABIY-ESTETIK TAFAKKURI
TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI”**

mavzusida o‘tkazilgan xalqaro ilmiy anjuman

TO‘PLAMI

Toshkent 20-sentabr, 2023-yil

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOZUVCHILAR UYUSHMASI

**“G‘AFUR G‘ULOM IJODIY MEROSINING O‘ZBEK VA JAHON
ADABIY-ESTETIK TAFAKKURI TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI”**

**mavzusida xalqaro ilmiy anjumani
to‘plami**

Toshkent – 2023

Tahrir hay'ati: **A.Ulug'ov**
 D.Xoldorov
 O.To'laboyev
 O.Usmonov
 U.Rasulova
 R.To'laboyeva

Mas'ul muharrir: **prof. Bahodir Karimov**

To'plamdan xalqaro konferensiya materiallari o'rin olgan. Maqolalarda filologiya ilmining turli sohalariga oid ilmiy kuzatishlar jamlangan bo'lib, mazkur sohaga oid barcha mutaxassislarga mo'ljallangan.

“ФАЛАК” ҚИССАСИДА ОБРАЗЛАР ТАСВИРИ

Сарвиноз РАСУЛОВА

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақола Тоҳир Маликнинг “Фалак” қиссаси ҳақида бўлиб, унда асарда илгари сурилган мавзу, ғоя, қиссада иштирок этган образлар таҳлили берилади. Ёзувчининг образ яратиш маҳорати ҳақида фикр билдирилади.

Калит сўзлар: мавзу, ғоя, образ, услуб, ёзувчи маҳорати, фантастик адабиёт, илмий фантастика.

Annotation: This article is about Tahir Malik's short story "Falak", in which the theme, idea, and characters involved in the story are analyzed. An opinion is expressed about the skill of the writer to create an image.

Key words: theme, idea, image, style, writing skills, fantasy literature, science fiction.

Уммонларни сувсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётни ҳам тарих ва адабиётсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон чашма ва дарёлардан вужуд чанқоғини қондириб келгандай тафаккур чанқоғини адабиёт сарчашмаларидан қондириб келади. Ҳаётга муҳаббат, табиат ва инсонга бўлган меҳр адабиётнинг асосини ташкил этади.

Тоҳир Малик ижоди ўзбек адабиётига фантастик, детектив ва маърифий асарлари билан янги йўналишларни олиб кирди. У адабиётда ўзига хос мақомга эга ижодкорлардан. Унинг ижодини ўрганиш ҳозирги замон адабиётининг жуда муҳим масалаларини ойдинлаштириш имконини яратади. Ёзувчи меросининг махсус тадқиқ этилиши лозим бўлган қирралари бисёр. Чоп этилган асарларининг адади ҳам юқори даражада.

Ёзувчи умри давомида халқ дарди билан яшади, унинг ташвишларини ўзиники деб билди, танимсиз меҳнат қилди ва натижада кўплаб ўлмас асарларнинг муаллифига айланди. Ана шундай ўлмас асарларидан бири бу “Фалак” қиссасидир.

Ёзувчининг “Фалак”, “Сомон йўли элчилари” (“Даврон”), “Чорраҳада қолган одамлар” (“Девона”) асарлари ўзбек саргузашт ва фантастика адабиётининг дурдоналари саналади. Бу ҳақда Асқад Мухтор шундай дейди: “Ўзбек саргузашт ва фантастика адабиётини Тоҳир Малик, Маҳкам Маҳмудов ва Ҳожиакбар Шайхов асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди” [Тоҳир Малик замондошлари хотирасида. 2022. – Б. 64].

Тоҳир Маликнинг “Фалак” қиссасида илмий фантастик ғоя илгари сурилади. Яъни олим элаллома аталмиш қурилмани ихтиро қилади. Унинг ёрдамида инсон ўтмишга сафар қилиши мумкин. XV асрга оид бўлган сағананинг топилиши ихтирочи олим учун айни муддао бўлади. У қурилма ёрдамида Улуғбек замонида саёҳат қилади.

“Фалак” киссасида яратилган элаллома тавсил [Қувватова Д. 1997. – Б. 20] вазифани бажаради. Фақат унда элаллома орқали икки сайёра ҳаёти эмас, бугундан туриб ўтмишни ҳам кўра олиш мумкин деган фараз илгари сурилади. Бу – фан кашфиёти. Яъни Ердан ташқарида ҳам цивилизациялашган сайёра мавжудлиги, фақат унинг фожиалари Ер фожиаларидан-да улуғлиги хусусидаги қарашлар акс этган. Ёзувчининг ўзига хослиги, у яратган восита, биринчи навбатда, қаҳрамон руҳий оламини теран очишга хизмат қилади. Шу йўл билан икки сайёра кишиларининг руҳий ўзгаришлари қиёсланади [Қувватова Д. 1997. – Б. 22].

Аксарият фантастик асарларда ёзувчилар келажакка назар ташлайди, келажак манзараларини тасвирлайди. Бироқ Тоҳир Маликнинг “Фалак” киссасида фан ютуқларидан фойдаланиб ўтмиш ҳаётнинг сирлари очилади. “Фалак”да биофизик олим Жаҳонгир Алиевнинг кашфиёти сабабли юзага келган фантастик воқеалар тасвирланади. Жаҳонгир йигирма йил илмий изланишлар олиб бориб бир қурилма яратади. Олим кашф қилган фантастик асбоб – бу элаллома. Олим бу асбоб ёрдамида ўтмишга сафар қилади. Элаллома қачонлардир оламдан ўтган инсонларнинг ҳаёт йўлини, изтиробларини, унинг маънавий дунёсини тиклай оладиган физик асбоб. Булоқбошидаги қабристондан иккита тоштобут топилади. Ана шу аппарат ёрдамида тоштобут ичидаги шахснинг тақдири тикланади. Бу тоштобутдаги жасадлар Улуғбек даврида яшаган Шамсибек исмли аллома ва унинг рафикаси Маҳфузага тегишли бўлади.

Ўқувчи тажрибанинг бориши ва унинг натижалари билан профессор Алиевнинг кундалик дафтари орқали танишади. Бу усул адабиёт учун ҳам, кинематография учун ҳам янгилик эмас. Бироқ қиссанинг композицион жиҳатдан шу зайдда қурилиши унинг муваффақиятини белгилаб берган.

Биз киссада фақат Жаҳонгирнинг кашфиёти бўлмиш элаллома аппарати ва унинг қудратли кучи билан танишмаймиз. Асарда бошқа бир қатор мураккаб ва қизиқарли образлар билан ҳам юзлашамиз. Профессор Алиевнинг ўғли Жамшид, дўстлари археолог Султон Умурзоқов ва ёзувчи Тўлқин, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, яшашдан мақсади нималигини англамаган, ҳар бир нарсага шахсий манфаат нуқтаи назаридан ёндашувчи профессорнинг қариндоши Акбаралилар шулар жумласидандир. Ушбу қаҳрамонлар асар моҳиятини англашимизда бизга ёрдам беради. Бир-бирига қарама-қарши образлар орқали қисса воқеалари кўз олдимизда гавдаланади ва сирлар бирин-кетин очилади.

Тоҳир Малик олис давр воқеаларини жонлантирар экан, асар учун қаҳрамонни XV асардаги фан-техника ютуқларидан, хурофот ва бидъатнинг даҳшатли тўлқинидан хабардор бўлган кишилар орасидан, яъни Улуғбекка яқин бўлган муҳитдан танлайди. Шамсибек ўз замонининг олим кишиси. У фақат Улуғбек билан эмас, балки буюк олимнинг ашаддий душманлари сафига келиб қўшилган Абдуваҳоб билан ҳам яқин бўлади. Шамсибек ва Абдуваҳоб бир мадрасада сабоқ олган. Бироқ уларнинг феъл-атвори турлича, улар танлаган йўл ҳам бир-бирига тамомила зид. Бири халққа маърифат

нурини тарқатиш йўлини танлаган бўлса, иккинчиси унинг онгини захарлаш йўлидан боради.

Бизга маълумки, олис давр воқеалари асарнинг бадиий тўқимасига шунчаки тасодифан кириб келмайди. Маълум маънода профессор Алиев Шамсибекнинг илмий изланишларини янги фан асрида давом эттиради, натижада, электрон элаллома аппаратини яратади. Сухроб Хўжаев эса олим шаънига иснод келтирувчи ишлар билан шуғулланади. Жаҳонгир ва Шамсибекнинг антиподи Сухроб ва Абдуваҳоб. Уларнинг ҳаётида умумийлик бор. Сухроб Маърифатнинг Жаҳонгирни танлаганидан аламзада бўлса, Абдуваҳоб Маҳфузанинг Шамсибекни танлаганини ҳеч ҳам ҳазм қила олмайди, кечирмайди. Адибнинг талқинига кўра, юқоридаги аламзадалиқ XV асрда қандай ёмон оқибатларга олиб келган бўлса, XX асрда ҳам шундай хунук воқеаларнинг содир бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари Жаҳонгирнинг олис қариндоши Акбарали ҳам қиссага XV асрдан, яъни Абдуваҳобларнинг муҳитидан келиб қолгандек туюлади. У қариндоши Жаҳонгирнинг катта кашфиётидан чала-чулпа хабар топади. Акбарали элалломадан ўз мақсади йўлида фойдаланмоқчи бўлади. У узок йиллар савдода ишлаган отасининг яшириб кетган тиллаларини ана шу элаллома қурилмаси орқали топиши мумкинлигига умид қилади.

“Фалак” қиссасида Улуғбек замонида зўравонлик қурбони бўлган аёл образи тасвири берилган. Уни ўз хоҳишига қарши ёши катта эшонга узатишади. Бироқ у Ғаниполвон исмли йигит билан қочиб кетади. Бутун қишлоқ аҳли уларни қидириб топади, бироқ уларни Шамсибек қутқариб қолади. Асар сўнггида қизнинг ҳам, Ғаниполвоннинг ҳам қисмати аянчли яқунланади. Қиссада Шамсибекнинг хотини Маҳфуза образи ҳам бўлиб, у ҳақиқий ўзбек аёлининг тимсоли. Заргарнинг қизи, ўзининг ҳам қўлида гулдай хунари бор. Шамсибек Улуғбек саройида кўрган тасвирни хотинига атиги бир маротаба тасвирлаб беради. Маҳфуза эса эрининг гаплари асосида фалак тасвири туширилган палак тикади ва унинг тиккан палаги бутун саройда машҳур бўлади. Улуғбек даврида яшаган халқнинг уйларини ана шу палаклар безаб туради. Бироқ Шамсибек ва Маҳфузанинг ҳаёти ҳам фожиа билан яқунланади. Адиб асар номини бежизга “Фалак” деб қўймаган. Чунки тарихда момоларимиз палак тиккан. Келинларнинг сепини ўша палак безаб турган. Осмон рангли матога зар ишлар билан безак берилган. Палакнинг ўртаси думалоқ шаклда бўлган, у қуёш тасвирини эслатган. Атрофидаги митти шакллар юлдузларга ўхшатишган. Ёзувчи бу тасвирни осмон харитаси деб атайди. Тоҳир Малик “Фалак” қиссасида момоларимизнинг тиккан палаклари тасвири орқали аёлларнинг ҳам фалакиёт илмидан хабардор бўлганлигини таъкидлаган. Маҳфуза образи шунинг асарга киритилган. Ана шу тарихни ёзувчи асарга Улуғбек даври мисолида кўчирган. Тоҳир Малик Маҳфузанинг оламини элаллома ёрдамида тиклаб яна бир фантастик асар ёзишни ният қилган. Бироқ ўтмишдаги аёллар ҳаётини ёритиш осон иш эмаслигини билган. Йиллар давомида тажриба тўплаб ўтмишдаги аёлларнинг ҳаёти ҳақида асар ёзишни ва унга бош қаҳрамон қилиб Маҳфузани танлашини суҳбатларида айтиб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаёт зиддиятлардан иборат. Тоҳир Малик илм аҳлининг ҳаётидаги зиддиятлар жуда кучли эканини, айрим ҳолларда аянчли оқибат билан тугашини яхши англайди. Олимлар гулшанида яшнаётган ҳасад, иғво тиканаклари бугунги кунда йўқ бўлиб кетган деб бўлмайди. Илм равнақига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи иллатлар ҳақида “Фалак”, “Заҳарли ғубор”, “Сомон йўли элчилари” (“Даврон”), “Девона”да турли усулларда фикр юритилади. Ёзувчининг нияти “Олимлар орасида ҳасад, иғво, ғийбат зинҳор-зинҳор бўлмасин”. Бу фикрни адиб асарларида такрор-такрор эслатиб туради. Ёзувчи олим бўлиш қанчалик қийин эканлигини, фанда янгилик яратиш, кашфиёт қилиш учун кўп ўқиб изланиш зарурлигини, бу йўлда энгил-елпи ҳаракат қилмаслик лозимлигини уқтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тоҳир Малик замондошлари хотирасида / М.Маҳмуд. Авлониё ва Чўлпоннинг издоши. – Тошкент: Тоҳир МАЛИК, 2022.
2. Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари. Фил. фанл. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 119 б.

G‘AFUR G‘ULOMNING “SHUM BOLA” ASARIDA IJOBIY MUNOSABATNI IFODALOVCHI EMOTSIONAL – BO‘YOQDOR LUG‘AVIY BIRLIKLAR

Nodira HAMIDOVA

**Termiz davlat pedagogika instituti
tadqiqotchisi**

Annotatsiya: Maqolada G‘afur G‘ulomning “Shum bola” asarida ijobiy munosabatni ifodalovchi emotsional – bo‘yoqdor lug‘aviy birliklarning xos xusuiyatlari haqida fikr yuritilgan. “Shum bola” asarida ijobiy munosabatni ifodalovchi emotsional – bo‘yoqdor lug‘aviy birliklar muayyan voqea–hodisani ifodalash jarayonida unga turli xil modal munosabatni ifodalash bilan birga, uning obrazlilikini, ta’sirchanlilikini, ekspressivlik darajasining kuchayishiga xizmat qilganligi asoslangan.

Kalit so‘zlar: G‘afur G‘ulom, “Shum bola”, ijobiy munosabat, emotsional–bo‘yoqdor lug‘aviy birlik, obrazlilik, ta’sirchanlik, ekspressivlik.

Annotation: In the article, Gafur Ghulam's work "Shum Bola" discusses the specific features of emotional-colorful vocabulary units that express a positive attitude. It is based on the fact that in the work "Shum bola" emotional-colorful vocabulary units expressing a positive attitude, in the process of expressing a certain event, express a different modal attitude to it, and serve to increase its figurativeness, impressiveness, and level of expressiveness.

Key words: Gafur Ghulam, "Shum bola", positive attitude, emotional-colorful vocabulary, imagery, impressiveness, expressiveness.

Zamonaviy tilshunoslikda muayyan adib ijodi va badiiy asar, uning til sistemasini tadqiq etishning yangi metod va usullari paydo bo‘lmoqdaki, bu badiiy

Sobit AVEZOV, Dilafro‘z URUNOVA. G‘AFUR G‘ULOM –FOLKLORSHUNOS OLIM.....	197
Мукаддас КАМИЛОВА. ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ЛИТЕРАТУР ЧЕРЕЗ ПРИЗМУ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПЕРЕВОДА.....	200
Ijobat SAYMURATOVA. BADIY ADABIYOTDA POETIK NUTQ VA EPIK BAYON USLUBI.....	207
Moxira SADULLAYEVA. ZAMONAVIY O‘ZBEK NASRIDA IJODIY INDIVIDUALLIK TAKOMILIGA DOIR.....	211
Azimjon DAVRONOV. SOBIR ABDULLA IJODIDA G‘AFUR G‘ULOM OBRAZI.....	214
Жавлон ЖОВЛИЕВ. МАКСУД ШАЙХЗОДАНИНГ НАВОЙШУНОСЛИККА ОИД КЎЛЁЗМАЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	218
Сарвиноз РАСУЛОВА. “ФАЛАК” ҚИССАСИДА ОБРАЗЛАР ТАСВИРИ.....	224
Nodira HAMIDOVA. G‘AFUR G‘ULOMNING “SHUM BOLA” ASARIDA IJOBIY MUNOSABATNI IFODALOVCHI EMOTSIONAL – BO‘YOQDOR LUG‘AVIY BIRLIKLAR.....	227
Oqila AHMADJONOVA. OBRAZ RUHIYATINI IFODALASHDA BADIY NUTQ IMKONIYATLARI.....	230
Муратбек ЮСУПОВ. К ИСТОРИИ ПЕРЕВОДА ОДНОГО СТИХОТВОРЕНИЯ ГАФУР ГУЛЯМА.....	235
Otabek SAFAROV. IJODKOR SHAXSI VA YOZUVCHINING IJTIMOIY O‘RNI MASALASI SHUKUR XOLMIRZAYEV TALQINIDA.....	240
Begali MO‘MINOV. O‘TKIR HOSHIMOVNING “NUR BORKI, SOYA BOR” ROMANIDA ZIYOLI OBRAZI	247